

ISSN: 2181-4058

DOI Journal 10.56017/2181-4058

# JORAI

Journal of


## RESEARCH

and

## INNOVATIONS

ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР | ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ

*Volume I, Issue 5*



IMFAKTOR  
PAGES

MAY | 2023

ISSN: 2181-4058  
DOI Journal 10.56017/2181-4058

# ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

1-ЖИЛД, 5-СОН

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ  
ТОМ-1, НОМЕР-5

JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS  
VOLUME-1, ISSUE-5

ТОШКЕНТ - 2023

# ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ | JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS

№ 5 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4058-2023-5>

## Бош муҳаррир:

Салимов А. – архитектура фанлари доктори, профессор

## Масъул муҳаррир:

Кадиров К. – филология фанлари номзоди, доцент

## Таҳририят аъзолари:

Омонов Қ. – филология фанлари доктори, профессор  
Муҳибова У. – филология фанлари доктори, профессор  
Каримов Б. – филология фанлари доктори, профессор  
Рашидов Т. – санъатшунослик фанлари номзоди, доцент  
Мухамедова Ф. – санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори  
Тешабоев Ж. – санъатшунослик фанлари доктори, профессор  
Эгамбердиев И. – техника фанлари доктори, профессор  
Ташманов Е. – техника фанлари доктори, профессор  
Салихова О. – техника фанлари номзоди, доценти  
Закиров Х. – қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, профессор  
Гулмуродов Р. – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор  
Жумамуратов А. – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор  
Камолов Б. – география фанлари доктори, профессор  
Миракмалов М. – география фанлари номзоди, доцент  
Тожиева З. – география фанлари номзоди, доцент  
Юсупова М. – архитектура фанлари доктори, профессор  
Аскарлов Ш. – архитектура фанлари доктори, профессор  
Назарова Д. – архитектура фанлари бўйича фалсафа доктори

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 22 декабрь куни № 054912-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ | JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS

*Техника фанлари*

**РАЗЗАҚОВ Ҳасанбой Мирзаевич**

*Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги*

*Фуқаро муҳофазаси институти 2-босқич магистранти*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7889228>

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ДАВЛАТ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

### АНОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятларни олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш Давлат тизими (ФВДТ)ни янада такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотларини махсули сифатидаги илмий-услубий тавсиялар баён этилган.

**Калит сўзлар:** фавқулудда вазият, давлат тизими, ФВВ, ФВДТ, ФВДТ фаолияти, ФВДТ функционал ва худудий куйи тизимлари, ФВДТни такомиллаштириш.

**РАЗЗАҚОВ Ҳасанбой Мирзаевич**

*Магистрант 2-го курса Института*

*гражданской защиты Академии МЧС*

## НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЕ РЕКОМЕНДАЦИИ ПО ДАЛЬНЕЙШЕМУ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ ГОСУДАРСТВЕННАЯ СИСТЕМА ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ СИТУАЦИЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

### АННОТАЦИЯ

В статье описаны научно-методические рекомендации, как продукт проведенного исследования по дальнейшему совершенствованию Государственная система чрезвычайных ситуаций (ГСЧС) Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** чрезвычайная ситуация, государственная система, МЧС, ГСЧС, деятельность ГСЧС, подсистемы ГСЧС, совершенствование ГСЧС.

**RAZZAKOV Khasanboy Mirzaevich**

*Master student of the 2nd year of the Institute of Civil Protection*

*of the Academy of the Ministry of Emergency Situations*

## SCIENTIFIC AND METHODOLOGICAL RECOMMENDATIONS FOR FURTHER IMPROVEMENT STATE SYSTEM OF EMERGENCY SITUATIONS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

### ANNOTATION

The article describes scientific and methodological recommendations as a product of a study on further improvement of the State System of Emergency Situations (SSES) of the Republic of Uzbekistan.

**Keywords:** emergency, state system, Ministry of Emergency Situations, State Emergency Service, activities of the State Emergency Service, subsystems of the State Emergency Service, improvement of the State Emergency Service.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар Давлат тизимининг барқарор ривожланиши, шунингдек, унинг ташкилий тузилмаси, куч ва воситаларини такомиллаштириш ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш муаммоларини ҳал этишда фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот натижалари тизим такомиллашувининг асоси, меъёрий-ҳуқуқий ва услубий мажмуи ҳисобланади [1, 2].

ФВДТни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари тизимнинг ҳозирги фаолиятини ва тайёргарлик ҳолатини, унинг аҳолини ва ҳудудлар муҳофазасини таъминлашдаги мажбурият ва ваколатларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан тизимли таҳлил қилиш натижаларига асосланади [3,7].

Таҳлилий материалларнинг ишлаб чиқилганлиги ФВДТнинг янги талабларга мувофиқлигини баҳолаш ва уни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш имконини берди, бу эса тизимнинг ривожланиш йўналишларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. ФВДТ фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади [10]:

- меъёрий-ҳуқуқий базани ФВДТнинг қуйи тизимлари ва бўғинлари фаолиятининг янги шартларига, биринчи навбатда, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш соҳасидаги фаолиятни қўллаб қувватлашнинг ташкилий ва молиявий-иқтисодий механизмларини жорий этиш;

- аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан, уларнинг юзага келиш хавф манбаалари ва омилларидан ҳамда оқибатларидан муҳофаза қилишни ташкил этишда илғор тажриба ва янгича ёндашувлардан фойдаланиш;

- ижро этувчи маҳаллий ҳокимият ва ўзини-ўзи бошқариш органларининг аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этиш борасидаги моддий-техник имкониятларини ошириш;

- фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси куч ва воситаларини ўзаро ҳамкорлик даражасини янада ривожлантириш, аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга янги замонавий, маъмурий-ташкилий тамойиллар ва технологияларни фаол жорий этиш;

- 2024-2030 йиллар ФВДТни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш;

- ФВДТнинг функционал ва ҳудудий қуйи тизимларининг ахборот алмашинуви ва ўзаро ҳамкорлиги бўйича меъёрий, раҳбарий ва услубий ҳужжатларнинг такомиллаштирилиши;

- ФВДТнинг функционал ва ҳудудий қуйи тизимларининг моддий-техник ривожлантириш бўйича босқичли дастурларни амалга оширилиши.

- ФВДТнинг функционал ва ҳудудий қуйи тизимлари фаолиятидаги мавжуд ҳал этилиши лозим бўлган масалалар мазмун-моҳиятига кўра, тизимни янада такомиллаштириш бўйича қуйидагилар тавсия этилади [9]:

**Биринчидан,** ФВДТ таркибига кирувчи бошқарув органлари томонидан ишлаб чиқилиши ва юритилиши (ижро этилиши) лозим бўлган меъёрий - раҳбарий ҳужжатлар рўйхати, намунаси ва уларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш;

**Иккинчидан,** фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун захиралар яратишни молиялаштиришни аниқ смета ва улушларда ҳар йил учун ҳамда барча давлат ва хўжалик бошқарув органлари учун мажбурийлигини белгилаш, ташкилот(объект)ларда эса захиралар яратишни ўз хўжалик ҳисобидан молиялаштириш механизмини ва қонунда тақиқланмаган бошқа манбааларни йўналтириш тартибини жорий этиш бўйича меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ҳамда молиявий фонд ва захиралар ташкил этиш масаласини илғор хорижий тажрибалардан келиб чиқган ҳолда қайта кўриб чиқиш;

**Учунчидан**, ФВДТ таркибидаги хизматлар ва иқтисодиёт объектларининг маҳаллий бошқарув органларида фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси бўйича мутахассис штат бирликларини жорий этиш, бошқа қўйи бўғин ва тармоқларда ишчи-ходимларга ушбу вазифаларни бажаришни юклаш, мутахассис сифатида тайинлаш тартибини аниқ белгилаш ҳамда уларга кўшимча вазифа бажарганлиги учун ҳақ тўлаш ёки рағбатлантириш масалаларини тартибга солиш, ҳуқуқий-меъёрий асослантириш;

**Тўртинчидан**, ФВДТ таркибидаги хизматлар ва иқтисодиёт объектларига фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси бўйича мутахассисларни (масъул шахсларни) тайинлашни (штат/штатдан ташқари) фавқулодда вазиятлар бошқармалари (бўлимлари) билан келишилган ҳолда амалга ошириш тартибини жорий этиш, тайинланган ишчи-ходимларнинг тайёргарликдан ўтиш даврийлигини ва мажбурийлигини белгилаш ҳамда уларни фавқулодда вазиятлар бошқармалари (бўлимлари) томонидан даврий шаходатлашдан ўтказиб бориш;

**Бешинчидан**, “Маҳалла фуқаро муҳофазаси” тизими тузилмалари йиғма гуруҳларни тегишли шахсий таркиб билан амалда тўлиқ жамлаш ва уларни сақлаб туриш учун имтиёз, рағбат ва мукофотлар эга бўлишларини тарғиб қилиш, рағбатлантириш, тақдирлаш ёки имтиёзлар қўллашни белгилаш;

- йиғма гуруҳларни жамлашда, яшаш жойидан (МФЙдан) узоқда, ташқарида бўлган, истиқомат қилмайдиган, бошқа ҳудудларда ўқиш, иш ва меҳнат билан банд бўлган фуқароларни киритилишини олдини олиш мақсадида, доимий МФЙда бўладиган (яшайдиган) хусусан, шу МФЙни ўзида меҳнат ва иш фаолият билан шуғиланадиган муносиб фуқароларни жалб этишга эришиш;

- йиғма гуруҳларни белгиланган моддий техник воситалар билан таъминлашда маҳаллий бюджет, хомийлик, хайрия ва бошқа қонун билан тақиқланмаган манбалардан шакиллантириш ишларини амалга ошириш;

**Олтинчидан**, аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, уларни бундай вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш, тарғибот-ташвиқот ишлари сифати, самарадорлиги ва кўламни ошириш мақсадида, бу борадаги тадбирларга ахборот технологиялари, инновация, оммавий ахборот воситалари, таълим тизими ва жамоат институтларини янада кенг жалб этиш ҳамда улар имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш зарур ҳисобланади.

Барча тизимларда мавжуд муаммолар ва уларга топиладиган ечимлари айнан ўша тизимни такомиллашувига ва келгусидаги ривожига хизмат қилади. Шу боис, ФВДТдаги кузатилаётган айрим муаммоларга эътибор қаратиш ва уларни ҳал этиш масалаларини белгилаш бўйича қуйидагилар тавсия қилинади [4]:

- ФВДТ таркибига кирувчи хизматлар, ташкилот, идора ва муассасаларда томонидан фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва фуқаро муҳофазаси соҳасида ишлаб чиқилиши ва юритилиши (ижро этилиши) лозим бўлган режалар, меъёрий-раҳбарий ва бошқа иш ҳужжатларини аниқ тартибга солиш;

- ФВДТ хизматлар, ташкилот, идора ва муассасаларнинг юқори бошқарув органлари (вазирлик ва идоралар) томонидан мазкур соҳада ички меъёрий-раҳбарий ва иш ҳужжатлар жорий этиш;

- вертикал ва горизантал бошқарув ҳамда ижро назоратини йўлга қўйиш;

- аҳолини барча қатламларини фавқулодда вазиятлар ҳаракат қилишга тайёрлашнинг энг самарали усули бўлган ҳар қандай турдаги ўқув машқ-ларини ўтказишида уларнинг мавжуд реал вазиятга яқинлаштиришга эришиш;

- кўмондонлик-штаб ва махсус тактик ўқув машқларида ФВДТ раҳбарларининг вазиятни тўғри баҳолаш, қарорлар қабул қилиш, бошқарув ва ўзаро ҳамкорлик бўйича кўникма ва малакаларини ошириш;

- ФВДТ таркибига кирувчи давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан фавқулодда вазиятларга сабаб бўлувчи потенциал манбаларни барвақт аниқлаш, улар бўйича тизимли кузатув ҳамда назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш борасидаги ишларни тўғри йўлга қўйиш лозим.

Ҳозирги кунда республика ҳудудида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишда ФВДТ фаолиятини такомиллаштиришда замонавий инновацион технологияларни жорий этиш масалалари бўйича қуйидагилар таклиф этилади [5]:

1. Рақамли алоқа тармоқлари ва телерадиоканалларнинг янги авлод техник воситалар ва замонавий ускуналарини ҳамда дастурларини қўллаш асосида аҳолини огоҳлантириш тизимларини имкониятларини ошириш.

2. Ўқитиш-тайёрлаш тадбирлари учун реал шароитларни ҳисобга олган ҳолда фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ҳаракатлари электрон ва вертуал моделларини ишлаб чиқиш.

3. Фавқулодда вазиятларни мониторинг қилиш ва прогнозлаш, атроф-муҳит ҳолатини мониторинг қилишнинг техник воситаларини жорий этиш.

4. Аҳоли учун фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланиш учун янги авлод шахсий химоя воситаларини, шу жумладан тиббий шахсий химоя воситаларини ва кимёвий хавфли моддаларга қарши антидотларни ишлаб чиқиш.

5. Ҳаракатдаги бошқарув масканларининновацион технологикжиҳозлаш.

6. Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тизимига замонавий ахборот технологиялари - фавқулодда вазиятларда хулқ-атвор кўникмаларини ошириш учун компьютер ўқув дастурлари, компьютер ўйинлари ва симуляторларни жорий этиш.

7. "Хавфлар ва хавфлар атласи" ахборот тизимини ҳамда "Иссиқлик нуқталари" интерактив мобил иловаларини яратиш ва синовдан ўтказиш.

8. Тезкор ва ахборот бошқарув органларини рақамлимоделлаштириш, рақамлитехнологияларниваэлектрон платформаларини жорийэтиш.

9. Махсус идоралараро ахборот тизими ваинфратузилмасини яратиш, замонавий ахборот технологиялари ва чуқур таҳлил воситаларини жорийэтиш.

10. ФВДТ фаолиятида учувчисиз учиш аппаратларини қўллаш мумкин.

ФВДТ фаолиятини такомиллаштиришда бошқарув ва алоқа тизимини амалий қўллашнинг мавжуд ўрнатилган ва жорий этилган меъёрий-ҳуқуқий асосларидан келиб чиқиб, ўтган вақт ичида айниқса янги Ўзбекистон даврида амалга оширилган ижобий ишлар ва эришилган натижалар билан бир қаторда, айрим муаммоли масалалар ҳам мавжуд. Фавқулодда вазиятлар тўғрисида кундалик ҳамкорлик ва ахборот (*маълумот*) алмашинуви соҳасидаги мавжуд муаммолар, уларнинг ечимлари бўйича тавсия қилинади [13]:

- ФВДТнинг ахборот-бошқарув тузилмасининг ўзаро мувофиқлаштириш, мос келтириш яъни, ҳудудий ва қуйи тизимларининг навбатчилик-диспетчерлик хизматларини жорий этиш, тизим таркибига кирувчи ташкилот ва идоралар, қуйи бўғинида навбатчилик (*диспетчерлик*) тузилмаларини ташкил этиш;

- фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги ахборотларнинг мезонлари, мазмуни ва турлари, уларни ФВДТга, унинг қуйи тизимлари ва бўғинларига, шунингдек аҳолига етказиш муддатлари ва тартиби юзасидан амалдаги Ўйриқномани ҳозирги вақт талаблари даражасига келтириш;

- кундалик ахборот (*маълумот*) алмашинуви сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича тармоқли тизимни жорий этиш лозим, масалан божхона ва солиқ хизматларида портал, сайт ва месенжерлар орқали тезкор марказлашган доимий ахборот алмашинуви жорий этилган, шуларни ФВДТга тадбиқ этиш зарур;

- ФВДТ ахборот-бошқарув тузилмаси раҳбарларининг фавқулодда вазиятлар таснифи ва фавқулодда вазиятлар хавфи туғилганда ёки содир бўлганда фавқулодда вазиятлар бошқармаси (*бўлими*)га берилиши лозим бўлган маълумотлар тўғрисидаги тушунчаларини янада ривожлантириш;

- бошқарув органлари томонидан ўз тизимларида фавқулодда вазиятларга оид ахборот (маълумот)ларнинг тизимли алмашинуви мажбурийлиги юзасидан жавобгарликни кучайтириш ва масулиятни ошириш;

- фавқулодда вазиятларга оид ахборотлар туркумига кирувчи соҳавий хизмат доирасидаги маълумотларни ўзаро алмашинувидаги чеклов ва тўсиқларни ҳамда босқичли кетма-кетликларни бартараф этиш чораларини кўриш (*масалан бирон-бир вазият тўғрисида дастлабки маълумот олинган вақтда ФВБ тезкор навбатчисига оғзаки хабар беришни жорий этиш керак, негаки навбатчи (диспетчер) маълумотга эга бўлган тақдирда ҳам қачонки уни барча даражадаги раҳбарларига етказиб бўлганидан сўнг ҳамда вазият ривожланиб кетгандан кейингина алмашинуви ҳолатларига йўл қўйилмоқда*).

ФВДТнинг келгусидаги янада такомиллаштириш ва ривожлантириш босқичларида фавқулодда вазиятларга олиб келадиган омилларни барвақт аниқлаш, огоҳлантириш, хавф хатарларини камайтириш, тизимга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини самарали тадбиқ этиш, махсус бўлинмаларни моддий техник таъминлаш, аҳолини тизимли тайёрлаб бориш, бунда замонавий (масофали, ОАВ орқали ва б.к) ўқитиш усулларида кенг фойдаланиш ҳамда объект даражасидаги бошқарув органлари фаолиятини тартибга солиш чораларининг кўрилиши мақсадга мувофиқ хисобланади [15].

Шунга кўра, ҳар йили фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш самарадорлигини оширишга қаратилган фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ойлигини сифатли амалга ошириш бўйича қуйидагилар тавсия этилади:

**Биринчидан**, ойликни ўтказишнинг мақсад ва вазифалари, аҳамияти, долзарб ва муҳимлигини, аҳоли ва ҳудудлар ҳавфсизлиги ҳамда муҳофазасига қаратилганлигини ахборотнинг барча воситалари орқали кенг тарғиб қилиш;

**Иккинчидан**, мавсум (баҳор-ёз, куз-қиш) билан боғлиқ нохуш ҳолатлар ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга қаратилган ишларни кучайтириш, стратегик аҳамиятга эга, саноат ва иқтисодиёт объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш, уларнинг технологик жараёнларида юзага келиши мумкин бўлган аварияли ҳолатларни олдини олиш;

**Учунчидан**, ФВДТ куч ва воситалари тайёргарлигини оширишга қаратилган ўқув машқларини, таълим муассасаларида "Фуқаро муҳофазаси куни" тадбирини ҳамда "Ёш кутқарувчи" кўнгиллилар клублари жамоалари ўртасида мусобақаларни ривожлантириш;

**Тўртинчидан**, атроф муҳитни лаборатор нозорат кузатув тармоғи таркибига кирувчи объектлар ҳолатини ўрганиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захирасини яратиш чораларини кўриш зарур хисобланади.

ФВДТ ва унинг қуйи тизимлари ҳамда бўғинлари фаолиятида мавжуд муаммоларни ҳал этиш борасида олиб борилган илмий тадқиқот ва изланишлар махсули натижаси сифатида қуйидаги илмий-услубий тавсиялар билдирилади[6, 8]:

**Биринчидан**, ФВДТ таркибига кирувчи бошқарув органлари томонидан ишлаб чиқиши ва юритилиши (ижро этилиши) лозим бўлган меъёрий - раҳбарий ҳужжатлар рўйхати, намунаси ва уларга қўйиладиган талабларни пухта ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш;

ФВДТга замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиш орқали унинг қуйи тизимлари ва бўғинлари фаолиятини тўлиқ рақамлаштиришга эришиш;

- илмий тадқиқотлар ўтказиш ва инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

- фавқулудда вазиятлар мониторинги ва прогнозлаш тадбирларини такомиллаштириш ҳамда табиий ва техноген хавфли жараёнлар ҳолати таҳлили асосида хавф манбаи юқори ҳудудлар, шунингдек, объектларда профилактик ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ташкил этиш;

- фавқулудда вазиятларни бартараф этиш кучлари шайлигини ошириш мақсадида замонавий техника ва асбоб-анжомлар билан жиҳозлаш ва уларнинг тайёргарлигини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш;

- аҳоли ўртасида тарғибот-тушунтириш ишларини олиб боришнинг таъсирчан, креатив ва самарали услубларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни ўз вақтида амалиётга татбиқ этиш чораларини кўриш;

- фавқулудда вазиятларни олдини олиш ва фуқаро муҳофазаси бўйича айрим функцияларни бажаришга хусусий сектор вакилларини жалб қилиш;

- фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлашда жамоатчиликнинг кенг иштирокини таъминлаш.

**Иккинчидан**, фавқулудда вазиятларни бартараф этиш учун захиралар яратишни молиялаштиришни аниқ смета ва улушларда ҳар йил учун ҳамда барча давлат ва хўжалик бошқарув органлари учун мажбурийлигини белгилаш, ташкилот(объект)ларда эса захиралар яратишни ўз хўжалик ҳисобидан молиялаштириш механизмини ва қонунда тақиқланмаган бошқа манбааларни йўналтириш тартибга солиш бўйича меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ҳамда молиявий фонд ва захиралар ташкил этиш масаласини илғор хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқиш;

**Учунчидан**, ФВДТ таркибидаги хизматлар ва иқтисодиёт объектларининг маҳаллий бошқарув органларида фавқулудда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси бўйича мутахассис штат бирликларини жорий этиш, бошқа қуйи бўғин ва тармоқларда ишчи-ходимларга ушбу вазифаларни бажаришни юклаш, мутахассис сифатида тайинлаш тартибини аниқ белгилаш ҳамда уларга кўшимча вазифа бажарганлиги учун ҳақ тўлаш ёки рағбатлантириш масалаларини тартибга солиш, ҳуқуқий-меъёрий асослантириш;

**Тўртинчидан**, ФВДТ таркибидаги ташкилот, идора ва объектларига фавқулудда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси бўйича мутахассисларни (масъул шахсларни) тайинлашни (штат/штатдан ташқари) фавқулудда вазиятлар бошқармалари (бўлимлари) билан келишилган ҳолда амалга ошириш тартибини жорий этиш, тайинланган масъул шахсларни фавқулудда вазиятлар бошқармалари (бўлимлари) томонидан даврий шаходатлашдан ўтказиб бориш;

**Бешинчидан**, “Маҳалла фуқаро муҳофазаси” тизими тузилмалари йиғма гуруҳларни тегишли шахсий таркиб билан амалда тўлиқ жамлаш ва уларни сақлаб туриш учун имтиёз, рағбат ва мукофотлар эга бўлишларини тарғиб қилиш, маҳаллий ва ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан рағбатлантириш, тақдирлаш ёки қизиқтириш ва жалб этиш чораларини кўриш;

- йиғма гуруҳларни белгиланган моддий техник воситалар билан таъминлашда маҳаллий бюджет, хомийлик, хайрия ва бошқа қонун билан тақиқланмаган манбалардан шакиллантириш ишларини амалга ошириш;

**Олтинчидан**, аҳолини фавқулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш, уларни бундай вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш, тарғибот-ташвиқот ишлари сифати, самарадорлиги ва кўламни ошириш мақсадида, бу борадаги тадбирларга ахборот технологиялари, инновация, оммавий ахборот воситалари, таълим тизими ва жамоат институтларини янада кенг жалб этиш ҳамда улар имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш таклиф этилади.

Дунёда ва юртимизда содир бўлаётган фавқулудда вазиятлар таҳлиliga асосланмайдиган бўлсак, глобал иқлим ўзгариши ва технологик жараёнларнинг жадал суратларда ривожланиши, турли табиий ва техноген хусусиятли фавқулудда вазиятларнинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Бу эса ўз навбатида аҳолини ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, уларнинг олдини олиш, содир бўлганда оқибатларини бартараф этиш этишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш ва уни тартибга солишнинг янги норматив-ҳуқуқий асосини яратишни ҳамда инновацион ёндашувни тақозо этади [12].

Жаҳон тажрибаларидан маълумки, фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этишдан кўра, уларнинг олдини олган афзал. Бунинг учун эса биринчи галда аҳолини, ФВДТ хизматлари куч ва воситаларини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш, улар содир бўлганда тўғри ҳаракатланишга ўргатиш ҳал қилувчи омиллардан саналади. Чунки фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёр инсон ярим кутқарилган инсон ҳисобланади. Хулоса ўрнида Ўзбекистон ФВДТ шундай имкониятларга эга бўлиши керакки, у тизим фаолиятининг барча уч йўналиши бўйича ҳам қуйи тизимида, ҳам бўғинларида самарали тартибга солишни таъминлай олиши лозим.

Хусусан, **биринчидан**, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш учун, **иккинчидан**, фавқулодда вазиятларни бартараф этишда, **учинчидан**, фавқулодда вазиятларни оқибатларини тугатиш ва ҳаёт фаолиятини тиклаш учун барча зарурий имкониятларга тўлиқ эга бўлмоғи керак. Кўриниб турибдики, тизим фаолиятининг ҳар учала йўналиши бўйича бутун чора-тадбирлар мажмуасини илмий таъминлаш турли илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ташкилотларининг кенг илмий ҳамкорлигини тақозо этади [11, 14].

ФВДТни янада такомиллаштиришда тизимдаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш чораларини кўриш ҳамда бошқарув ва назорат тадбирларини етарли даражада, ҳар томонлама ва замонавий инновацион ташкил этганда муваффақиятли таъминлашга эришилади.

## ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти Т., 1-том 2007 й, 175 б; II-том 2018 й, 368 б; III-том 2019 й 368 б.
2. Кудратов О.К., Ганиев Т.А., “Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси” Т. “Янги аср авлоди” 2005 й.
3. Нурхўжаев А.К., Юнусов М.Ю., Хабибуллаев И.Х. Фавқулодда вазиятлар ва муҳофаза тадбирлари. ФМИ. Т. 2001й.
4. Раззақов Х.М., “Фавқулодда вазиятлар давлат тизими фаолиятини янада такомиллаштиришдаги муҳандислик муҳофаза қилиш тадбирлари ва улардаги мавжуд муаммолар ечимлари юзасидан таклифлар”, ФВВ Академияси илмий-амалий анжумани материаллари туплами, 2022 йил 30 август, 223-226 бетлар.
5. Раззақов Х.М., “Фавқулодда вазиятлар Давлат тизими фаолиятини мувофиқлаштиришда замонавий инновацион технологияларни жорий этиш масалалари”, ФВВ Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти республика илмий - амалий семинар материаллари туплами, 2022 йил 13 октябрь, 47-51 бетлар.
6. Раззақов Х.М., “Фавқулодда вазиятлар давлат тизими фаолиятини янада такомиллаштиришнинг илмий-услубий асослари ва тизимдаги мавжуд муаммоларнинг ечимлари юзасидан таклифлар”, Андижон Машинасозлик институти республика илмий-амалий анжумани материаллари туплами, 2022 йил 12 август, 1-том 565-574 бетлар. URL: <https://mechatronic.uz/admin/fayl/Book1.pdf#page=607>. (дата обращения: 30.04.2023).
7. Тожиев М., Неъматов Н., Илхомов М “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси”. Т. 2002 й.
8. Турсунов А.А., Раззақов Х.М. “Фавқулодда вазиятлар давлат тизими фаолиятини мувофиқлаштириш тадбирлари ва уларни янада такомиллаштириш масалалари”, Academic Research in Educational Sciences илмий журнали, 2022 йил 15 март 3-сон, 662-671 бетлар URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/fav-ulodda-vaziyatlar-davlat-tizimi-faoliyatini-muvofi-lashtirish-tadbirlari-va-ularni-yanada-takomillashtirish-masalalari>. (дата обращения: 30.04.2023).
9. Турсунов А.А., Раззақов Х.М., “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш Давлат тизимининг ривожланиш босқичлари ва такомиллаштириш муаммолари”, So‘ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi республика илмий-услубий журнали, 2022 йил 12 май 1-сон, 28-37 бетлар. URL: <https://bestpublication.org/index.php/sit/article/view/26> (дата обращения: 30.04.2023).
10. Турсунов А.А., Раззақов Х.М., “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар давлат тизими фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йуналишлари”, “Образование и наука в XXI веке”, выпуск №25 6 том, апрель 2022, 250-255 стр. URL: <https://yadi.sk/i/CeeczCUP8khP1g>. (дата обращения: 30.04.2023).
11. Турсунов А.А., Раззақов Х.М., “Ўзбекистон Республикасида Фавқулодда вазиятлар давлат тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш истикболлари”, International scientific-online conference: "Theory and analytical aspects of recent research", Turkey, april 28 th 2022, pages 115-120. URL: <https://zenodo.org/record/6492632#.ZE529HZBzIU>. (дата обращения: 30.04.2023).
12. Турсунов А.А., Раззақов Х.М., “Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш тамойиллари ҳамда ҳозирги кундаги мавжуд муаммолар” Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Жамоат хавфсизлиги университети, республика илмий-амалий анжумани, 2022/2/24, 186-189 бетлар.

13. Турсунов А.А., Раззақов Х.М., “Favqulodda vaziyatlarning oldini olish va bunday vaziyatlarda harakat qilish davlat tizimi faoliyatini muvofiqlashtirishda boshqaruv va aloqa tizimini amaliy qo‘llash asoslari va mavjud muammolar” Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа харбий институти, республика илмий-анжумани, 2022/2/25, 169-176 бетлар

14. Tursunov A A., Razzakov H .M., “Prevention of emergencies in the republic of Uzbekistan and the stages of development and problems of improvement of the state sistem to act in such situations”, International journal of Social Sciences & Interdisciplinary Research (IJSSER)., under Volume: 11 Issue: 04 in April-2022, pp. 57-62. URL: <https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/384>.

15. Razzaqov H. M. Aholini zilzilaga tayyorlashga oid ilg‘or tajribalarni o‘rganishda xorijiy davlatlar fuqaro muhofazasi tizimlari, ularning faoliyati va samarali jixatlari // Favqulodda vaziyatlar vazirligi Akademiyasi huzuridagi Fuqaro muhofazasi instituti Respublika ilmiy-amaliy anjumani 2022 yil 20 aprel, 187-192 б.

ISSN: 2181-4058  
DOI Journal 10.56017/2181-4058

# ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 5-СОН

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ  
ТОМ-I, НОМЕР-5

JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS  
VOLUME-I, ISSUE-5

«Тадқиқот ва инновациялар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054912-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)